

Сафар Бекжон Гулнора Каримованинг Швейцариядаги уйини "ишғол қилди"

🕒 23 декабр 2013



🔗 Баҳам кўринг

Швейцарияда истиқомат қилаётган сиёсий фаол Сафар Бекжон Гулнора Каримованинг Женевадаги уйига кириб олган.

Сафар Бекжон бир неча миллион долларлик деб ишониладиган виллани "ишғол қилиш" қарорини шундай изоҳлайди:

"23 декабр куни биз Гулнора Каримовага оид бўлган ва устидан жиноий иш очилган виллага кирдик. Вақтинча ишғол қилдик бу виллани. Чунки, Гулнора Каримова терговга келмаяпти, бу уйнинг қонуний эканлигини исбот қилиб беролмаяпти, бу ердаги пулларнинг тўғри-нотўғрилигини исботлаб беролмаяпти, келсин, биз учун ҳам, Швейцария учун ҳам келсин. Чунки, бизни бу ердан чиқариш учун судга бериши керак. Бу бир. Иккинчидан бу жараёнлар ёпиқ эшиклар ортида бўлмаслиги керак. Ўзбек жамияти ҳам, халқаро жамият ҳам билиши керак буни. Агар биз бу ишни қилмасак, ҳеч ким билмайди бу ишни, Твиттер шоу бўлиб қолаверади. Биз ҳақиқий терговлар ва ҳақиқий сиёсий жараён бўлишини истаймиз", дейди Сафар Бекжон Би-би-си билан суҳбатда.

"Ўзбекистон демократик жамғармаси" раиси Сафар Бекжоннинг айтишича, Гулнора Каримованинг Женева кантони, 1223 ch Chemin de la Prévôté 7 кўчасидаги вилласи қурилиши тўла битказилмаган ва сўнги пайтлар қаровсиз қолган эди. У бинодан жамғарма фаолияти учун фойдаланиш мақсадида эканини айтади.

"Халқнинг мулки - бу, халққа хизмат қиладиган демократик ташкилот - бизнинг ташкилотимиз бундан фойдаланади. Токи, Гулнора Каримова биз



Сафар Бекжон Гулнора Каримовага тегишли экани айтиладиган уй қаршисида

билан судлашгунга қадар...Сиёсий ва маданий тадбирлар ўтказамиз", дейди у.

Сафар Бекжонга кўра, қаровсиз уйга кириб олиш қонунга зид эмас, уй эгаси уни фақат маҳкама орқалигина чиқариб юбориши мумкин.

"Узоқ муддат мобайнида ҳеч ким яшамаётган, дипломатик мақоми бўлмаганлиги учун мен ишғол қилишга ҳаққим бор. Ва мени суд билан чиқаришлари мумкин. Суд билан чиқаришлари учун бу уйнинг қонуний эканлигини, қонуний пулга олинганлигини исбот қилиб беришлари керак", дейди Сафар Бекжон.

Би-би-си ҳодиса юзасидан изоҳ сўраб Женева полиция хизматига муурожаат қилди ва полиция шахсий манзил бўлгани учун ҳодисани на тасдиқлай олиши ва на инкор қилишини билдирди.

Аммо, полиция матбуот хизмати ходими Сильван Гийом Жантел (Silvain Guillaume-Gentil)нинг айтишича, Швецарияда қаровсиз уйларни ишғол қилиш бўйича қонуний чоралар мавжуд.



Рейдлар

Швейцария Конфедерация Прокуратураси август ойи охирида Женевадаги тўрт манзилда тинтув ўтказилганлигини тасдиқлаганди.

Прокуратуранинг Би-би-сига маълум қилишича, 2012 йили бошланган жиноий текширув иши бўйича Федерал Жиноий Полиция бошқармаси Женева Полицияси билан ҳамкорликда тинтув амалиётини амалга оширган.

Бизга берилган расмий хабарга кўра, бу жиноий тергов тўрт Ўзбекистон фуқаросига қарши очилган иш доирасидадир.

Айни вақтда Би-би-сининг ишончли манбалари тинтув ўтказилган уйлардан бири Ўзбекистон Президентининг тўнғич қизи Гулнора Каримовага тегишли вилла эканини айтишганди.

Шу йилнинг 1 март куни эса, Женевага инсон ҳуқуқларига бағишланган филм фестивалида иштирок этиш учун ташриф буюрган Мўътабар Тожибоева ҳамда яна бир неча фаоллар Гулнора Каримованинг бадавлат мавзелардан бири Колоньяда жойлашган айни уйини кўришга боришганди.

Улар шу тариқа Ўзбекистон Президентининг қизи қандай дабдабали ҳаёт кечеришига жамоатчилик эътиборини қаратмоқчи бўлишганини айтишганди.

Гулнора Каримова уларнинг ҳаракатларини ўзини ёмонотлиқ қилишга қаратилган кампания бир қисми, дея қоралаган.

Шу йилнинг 17 ва 18 июн кунлари эса, Гулнора Каримовага тегишли Париждаги ҳашаматли уй ва Сан Тропе оромгоҳидаги виллага муҳр босилгани хабар берилганди.

Франсуз полицияси ушбу тинтувни Швейцарияда тергов қилинаётган ноқонуний пулларни ювиш билан боғлиқ жиноят иши доирасида амалга оширгани айтилганди.

Швейцария прокуратураси Франция ҳуқуқ-тартибот идораларининг ўз сўровига биноан Ўзбекистон Президентининг тўнғич қизига тегишли экани айтилган бир неча манзилга рейд уюштирганини тасдиқлаган.

Айтилишича, амалиётдан мақсад "ҳужжатларни қўлга киритиш бўлган".

Бу ҳикояни баҳам кўринг Баҳам кўриш ҳақида



[Тепага қайтиш](#)

Бу мавзуда батафсилроқ

Швейцария прокуратураси: 'Ўзбекистонликларга тегишли уйларда тинтув ўтказилди'

3 Сентябр 2013

Женева полицияси: 'Ўзбек дипломатларининг машинасига ҳужум сиёсий эмас'

2 Април 2013

Гулнора Каримова Женевадаги дипломатик фаолиятини тугатди

12 Июл 2013

Бошқа мавзулар >



"Сурияга чиқиш визаси учун пора олган"

🕒 10 Июл 2016



Шоу- бизнесда Гулнора Каримовани "соғинишган"

🕒 10 Июл 2016



40 даража жазирамада деҳқон уйида ўтирсинми?

🕒 8 Июл 2016

Муҳаррир танлови



Жаҳон Чемпионати-2018: Ким ғалаба қилади? BBC News ўйини билан бир башорат қилиб кўринг



Москвадаги ўзбеклар: "Пулсиз қолдик, қарзга ботдик..."



Собиқ уйсиз дунёни очликдан қандай қутқармоқчи?



Дунёда мисли кўрилмаган тажриба: Ўзбекистон Орол денгизи тубини ўрмонга айлантирмоқда



Инглизча «дунёнинг сеvimли тили» бўлиб қола оладими?



Рўзанинг танамизга таъсирини биласизми?



Би-Би-Си охири замон ҳақида хабар берди(ми?)

Энг кўп ўқилган

- Каттақўрғон милицияси раҳбарларига чора кўрилди **1**
- "Менинг исмим Жиход" **2**
- Ўзбекистон E-Visa тизими ишга туширилди **3**
- Самарқанд ҳокими ва ечинтирилган аёл ўртасида қандай фарқ бор? **4**
- Ўзбекистон: Мирзиёев кадрлар сиёсатининг 'пойдевори қийшиқ' **5**

Би-би-си Ўзбек хизмати Интернетда

Facebook

Twitter

YouTube

Мой мир

Google+

Telegram

Одноклассники

Instagram

Хизматлар



RSS

News

Sport

Weather

Radio

[Foydalanish shartlari](#)

[BBC haqida](#)

[Shaxsiy ma'lumot siyosati](#)

[Cookies](#)

[Accessibility Help](#)

[Parental Guidance](#)

[Bi-bi-si bilan bog'laning](#)

[Get Personalised Newsletters](#)

[Биз билан реклама қилинг](#)

[Реклама танлови](#)

Copyright © 2018 Би-би-си. Bi-bi-si tashqi saytlar uchun mas'ul emas [Tashqi saytlar linklariga munosabatimizga doir](#)